O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
11 август
ШАНБА

№ 65
(11.972)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Ф А Р М О Н И*

## ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейнни "Дўстлик" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан ЮНЕСКО ўртасидаги икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришдаги катта хизматлари, ўзбек халқининг бой маданий, маънавий ва тарихий меросини кенг халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилгани, шунингдек, таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 9 август.

## Ўзбекистон-ЮНЕСКО: ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚАМРОВИ КЕНГ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 август куни Оқсаройда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейнни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини, бунда 1996 йилдан буён мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган Майкл Барри Лейннинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини таъкидлади.

– Биз ЮНЕСКО билан изчил ривожланаётган ҳамкорликни, ушбу ташкилот Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келаётганини юксак қадрлаймиз, – деди Ислом Каримов.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган 1996 йилда очилган. Ўша йили Президент Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳига ташриф буюриб, Амир Темур юбилейи билан боғлиқ тадбирларда, жумладан, "Темурийлар даврида фан ва маданият тараққиёти" деб номланган халқаро кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг Ибн Сино номидаги ҳамда "Боробудур" олтин медаллари билан тақдирланган.

1998 йилда ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлиси Ўзбекистонда ўтказилди. Унда "Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатларидаги фаолияти" мавзуидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал-Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимизнинг, Бухоро, Хива, Термиз ва Қарши сингари қадим шаҳарларимизнинг, "Алпомиш", "Авесто" каби бебаҳо қадриятларимизнинг ва Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда ЮНЕСКО шафеълигида қатор халқаро анжуманлар бўлиб ўтди. "Маданият соҳасидаги сармоя", "Банк соҳасига ва бизнесга янги технологиялар жорий қилиш", "Самарқанднинг мовий сопол буюмлари", "Сўфийлик ва динлараро мулоқот" мавзуидаги симпозиум ва форумлар, таълим соҳасида бюджетни режалаштириш, Оролни қутқариш каби масалаларга бағишланган анжуманлар шулар жумласидандир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик хорижда ўзбек маданиятини тарғиб қилиш имконини бермоқда. Бунга Самарқандда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига келаётган қатнашчилар жуғрофияси тобора кенгайиб бораётгани ҳам ёрқин мисолдир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда маданий мерос дурдоналарини, жумладан, "Шашмақом"ни, гиламдўзлик ва кулолчиликни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказишга, бу йўналишларда тегишли соҳа мутахассисларининг малакасини оширишга қаратилган ўнга яқин лойиҳа амалга оширилди.

Мамлакатимизда қадимий ёдгорликларни асрабавайлаш, буюк аждодлар меросини ўрганиш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ҳаққоний баҳолаш, қадимий маданиятимизни, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида мазкур ташкилот билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун Майкл Барри Лейнга Ватанимизнинг "Дўстлик" орденини топширди.

М.Барри Лейн юксак эътибор, Ўзбекистонда ишлаган вақтида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳар томонлама ривож топганига, мамлакатимиз ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиб келганини таъкидлади. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, бой таассуротлар билан қайтаётганини, бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшажагини алоҳида қайд этди.

**ЎзА.**

*Мустақилликнинг 16 йиллигига*

ТАЪЛИМ:

## МАҚСАД – ЧУҚУР БИЛИМ БЕРИШ

**Баркамол авлод – эл орзуси. Унинг тарбияси ҳеч қачон долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайдиган, доимий ривожланиш ҳамда эътибор талаб қиладиган улкан жараён. Зеро, фарзанд тарбиясига бир кунлик ёки маълум муддатлик иш сифатида қараб бўлмайди.**



Маълумки, бугунги кунда юртимизда таълим тизимида тубли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу ҳукуматимиз баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакат истиқболи, халқ фаровонлигини таъминлашга нечоғлик катта эътибор қаратаётганини кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида тасдиқланган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мана шу соҳа истиқболи ва йўналишларини белгилаб берди. Эндиликда дастурнинг стратегик мақсад ва вазифалари босқичма-босқич амалга оширилиб, муайян тажриба ва ютуқларга эришилмоқда.

Оққўрғон – вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий соҳалари барқарор ривож топаётган туманлардан. Хусусан, умумтаълим мактабларида янги, илғор педагогик технологиялар жорий этилаётгани боис, таълим-тарбия соҳасида салмоқли муваффақиятлар қўлга киритилаяпти. Ҳозир туманда 49 та умумтаълим мактаби, 1 та махсус ёрдамчи мактаб-интернат, 14 та мактабгача ҳамда 2 та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўқувчиларга фанлардан пухта билим бериш, улар дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини кенгайтириш, мустақил фикр юритишга ўргатиш, касб эгаллаш, шунингдек, меҳнатга кўникма ҳосил қилишда илғор педагогик жамоалар олиб бораётган тарбиявий ишлар алоҳида ўрин тутади. Кейинги йилларда эришилаётган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, бу борада муайян тажрибалар тўпланган, қолаверса, ўрнак олса бўладиган намунали таълим даргоҳлари талайгина.

– Туманимиз умумтаълим мактаблари педагог-ходимлари таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириб бориш мақсадида тинимсиз изланмоқдалар, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Муҳиддин Убайдуллаев. – Икки мактабимизда республика миқёсида тажриба-синов ишлари олиб борилаяпти. 6-умумтаълим мактабида педагог Фарида Аҳмедова томонидан биология фанидан режа асосида икки ўқув йилидирки, бу жараён қизғин давом эттирилмоқда. Шунингдек, 46-умумтаълим мактабида немис тили фанидан тажриба-синов машғулотлари ўтказилмоқда. Бу борада республика таълим маркази билан алоқа ўрнатилган. Илғор педагогларимизнинг бу жараёнлардаги меҳнат самаралари вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Булардан ташқари туман услубиёт маркази таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ўқувчиларга пухта билим бериш, уларнинг фанларни пухта ўзлаштиришлари учун қатор илмий-амалий педагогик изланишлар олиб бормоқда. 43 нафар илғор педагогнинг намунавий иш тажрибалари бугунги кунда нафақат туманда, балки вилоятда, ҳатто республика миқёсида ҳам оммалаштириляпти.

Бошланғич синфларда тасвирий санъат фани дарслигининг йўқлиги ўқитувчиларимиз учун қатор қийинчиликлар туғдирарди. Эндиликда 1-мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси Исломжон Раҳмонов бу муаммони ҳал этди. У кейинги йиллар давомида тўплаган тажрибалари асосида Республика таълим маркази, Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан ҳамкорликда бу фанни ўқитишга оид ўқув-услубий қўлланма яратди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташкил этган кўрик-танловда «Истеъдодли ўқитувчилар» йўналиши бўйича қимматбаҳо мукофотга сазовор бўлди. Ушбу «Китобат санъати» услубий қўлланмаси 4-синфлар учун услубий-иллюстратив материаллар билан бойлиги инобатга олиниб, ҳозир нашрга тайёрлаш бошлаб юборилди.

– Умумий дастурда қўйилган вазифалар кўлами таълимда етакчи сиймо – ўқитувчи – педагог кадрлар малакасига, маҳорати ва салоҳиятига алоҳида талаблар қўймоқда, – дейди туман халқ таълими бўлими мудирининг кадрлар масалалари бўйича ўринбосари Шоҳсанам Мустафоқулова. – Туманимиз мактабларида 1728 нафар педагог-ходим фарзандларимиз таълим-тарбияси билан машғул. Улардан 1178 нафари олий маълумотли кадрлардир. Режага кўра, бу йил 390 нафар ўрнига 411 нафар педагогларимиз малакаси оширилди. Туманда рус тили, жисмоний тарбия ва бошланғич фанлардан ўқув курслари ташкил қилиниб, уларни жами 95 нафар ўқитувчи тамомлади.

(Давоми 2-бетда).

## БУ БАЙРАМ БАРЧАМИЗНИКИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 30 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори жойларда барчамиз учун энг улуғ, энг азиз айёмни муносиб кутиб олиш борасида муҳим дастурил-амал бўлиб хизмат қилаётир.**

Бу борада вилоятимизда ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва туманларда ушбу қутлуғ сана олдидан "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники!" мавзуида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, таниқли зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказиляпти.

Ана шундай тадбирлардан бири Пскент туманида бўлиб ўтди. Вилоят Маънавият тарғибот маркази ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлолнинг илк йилларидаёқ аҳолининг барча қатламларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталдилар.

Таниқли санъаткорлар ижросида янграган куй ва қўшиқлар тадбирга файз ва шукуҳ бағишлади.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этмоқда.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ КЎМАК

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ангренда юздан ошиқ ёш оилаларга «Ипотека», «Миникредит» банкларининг шаҳар бўлимларидан кредитлар ажратилди.***

– Шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва тегишли ташкилотларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан жойларда бу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш билан бирга уй-жой ва истеъмол молларига эҳтиёж сезган ёш оилалар рўйхатга олинди, – дейди шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши раиси Холбунисо Пўлатова. – Шуниси эътиборлики, шаҳар ҳокими қарори билан ёш оилаларга берилган уй-жойларни таъмирлаш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкати ваколати доирасида фаолият юритувчи «Ёшлар уюшмаси» ҳам ташкил этилди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## «ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ»

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ташаббуси билан «Оила – муқаддас даргоҳ» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда вилоятнинг туман, шаҳарларидан келган ёш оилалар вакиллари ва «Камолот» фаоллари иштирок этишди. Вилоятда истиқомат қилаётган 81873 та ёш оила вакилларини иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенгроқ жалб қилиш, микрокредит, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш ҳақида сўз борди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИЛАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида "Ишбилармон ўқувчи – 2007" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган ўттиз нафар ўқувчи ўзаро куч синашди.

Энг юқори кўрсаткичга эришганлар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**ЎзА.**

## ЁШ ҚУТҚАРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Чирчиқ шаҳрида «Ёш қутқарувчи» мусобақалари ўтказилди. Уни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шаҳар кенгаши билан вилоят болалар туризми ва ўлкашунослик маркази ҳамкорликда ташкил этди. Мусобақалар тез ҳаракат қилувчи махсус отряд қутқарувчилари назорати остида ўтди. Унда тўртта ёш қутқарувчилар жамоаси ўзаро куч синашди. Кўп қаватли бинода фалокатга учраганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, сувда чўкаётганларни қутқариш бўйича баҳсларда «Эверест» ва «ЎзЛиДеП» жамоалари ғолиб чиқди. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

**С. ЖУМАЕВ.**

## «ТАДБИРКОР ОНАЛАР – БОЛАЛАРГА»

Мустақиллик байрами жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбида унутилмас из қолдиришида ҳар қандай хайрли саъй-ҳаракат муҳим аҳамиятга эга. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилаётган қатор тадбирлар ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Яқинда бўлиб ўтган вилоят тадбиркор аёллар форумида «Тадбиркор оналар – болаларга» акцияси ташкил этилди. Унда вилоят шаҳар ва туманларидаги 200 нафар етим болалар «Тошкент денгизи»нинг сўлим бағрида жойлашган «Меҳржон» болалар оромгоҳида дам олиш имкониятига эга бўлдилар. Тадбиркор аёлларнинг ҳар бири ўз ҳудудларидаги кўнгли ўксик болалар учун оромгоҳга имтиёзли йўлланма харид қилиб, уларга бир олам қувонч улашдилар.

**Саида РАҲМОНОВА.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## "SHARQ PLAST SERVIS" ҚУВУРЛАРИ

**Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни жаҳон бозорида харидорларга манзур этиш осон эмас. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда бунинг уддасидан чиқаётган корхоналар сони кўпайиб бораётгани қувонарли. Улардан бири – пойтахтимиздаги "Sharq plast servis" масъулияти чекланган жамиятидир.**

– "Polimer group" савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган полимер қувурларимиз газ ва сув тармоқларида кенг фойдаланилмоқда, – дейди мазкур жамият директори Мурод Пўлатов. – Диаметри 16 миллиметрдан 400 миллиметргача бўлган қувурларнинг кафолат муддати 50 йил. Шу кунга қадар Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, Тошкент вилоятидаги "Аммафос" очиқ акциядорлик жамияти сингари кўплаб йирик корхоналар буюртмалари бажарилди. Бундан ташқари, ўтган йили 166 миллион сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган ойларида Қозоғистон ва Қирғизистонга 88,5 миллион сўмлик полимер қувурлар жўнатилган. Бу аввалги йилларнинг шу давридагига нисбатан анча кўпдир. Айни пайтда корхона жамоаси ташқи бозорни ўрганиш, жаҳон андозаларига мос маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда харид қилинган янги технологик линияни ўрнатиш ишлари якунлангач, диаметри 710 миллиметрли қувурлар ишлаб чиқариш бошланади.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «НУҚТА ҚАЧОН ҚЎЙИЛАДИ?»

11.07.2007 й.

Чиноз тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбари Р. Исоқуловнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақола бўйича вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б. Хўжаев имзоси билан таҳририятга жавоб хати келди.

Унда жумладан шундай дейилади: «Тошкент вилояти прокуратураси томонидан мақола ўрганилиб чиқилди.

Аниқланишича, Чиноз тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбари Р. Исоқулов марказга тегишли бўлган баҳоси 2 миллион 750 минг 407 сўмлик автогаражни ноқонуний сотиб юборган.

Маълум бўлишича, Р. Исоқулов автогаражга эҳтиёж йўқлиги ва унинг сотилишига қарши эмаслигини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Мулк қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига маълумотнома тақдим этган. Натижада автогараж ушбу маълумотномага асосан қўмита орқали хусусий тадбиркор Б. Эгамбердиевга сотилган. Шундан сўнг, жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг 2007 йил 12 мартдаги ҳукми ва уни ўзгаришсиз қолдирган жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 14 апрелидаги ажримига кўра Р. Исоқулов айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида жарима тайинланган.

Вилоят прокуратураси томонидан ушбу жиноят иши назорат тартибида ўрганилиб, 2007 йил 28 июнда Тошкент вилоят суди раёсатига протест киритилди. Шундан келиб чиқиб, мазкур жиноят иши Чиноз тумани суди томонидан қайта кўрилмоқда.

Шунингдек, мақолада Р. Исоқуловнинг ДСЭНМ жамоаси ходимларининг ойлик маошларини ўзлаштирганлиги ҳақидаги маълумот Чиноз тумани прокуратураси томонидан ўрганилганда ҳеч қандай жиноят аломатлари аниқланмади.

# КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.**

Унда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижалар ҳақида ҳикоя қилувчи сиёсий, иқтисодий, илмий адабиётлар, даврий нашрлар, плакатларга кенг ўрин берилган. Бу ерда, шунингдек, ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий меросни тиклаш ва асраб-авайлаш, ёшлар камолоти йўлидаги эзгу юмушлар кўлами, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеига бағишланган ранг-баранг фотосуратлар ҳам намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг алоҳида бўлимлари "Тошкент – ислом маданияти пойтахти" ҳамда "Самарқанд – рўйи замин сайқали – 2750 ёшда" мавзуларига бағишланган. Унда буюк аллома аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ масканларни обод этиш, уларнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этишга оид адабиётлар, рисолалар, буклетлар, фотосуратлар ва бошқа материаллар билан танишиш мумкин.

**Россиянинг Улан-удэ шаҳрида бўлиб ўтган халқ чолғулари ижрочиларининг халқаро кўрик-танловида икки нафар ҳамюртимиз – Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари Камолиддин Ўринбоев ва Беҳзод Тўраев биринчи мукофотга сазовор бўлди.**

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУКОФОТ СОҲИБИ

Ўндан ортиқ мамлакатдан вакиллар қатнашган мазкур танловда ўзбекистонлик талабалар ғижжак ва найда миллий мусиқаларимизни ижро этиб, ҳакамлар ҳайъати ва мусиқа ихлосмандлари эътиборига сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида мусиқа оламидаги нуфузли халқаро танловларда ғолиб бўлган саксондан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Гулруҳ Шокирова, Гўзал Тагеева, Ойбек Имомов, Суннат Иброҳимов каби иқтидорли йигит-қизлар шулар жумласидандир. Улар эришаётган муваффақиятларнинг барчаси мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# ОЛДИНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

**Осиё футбол конфедерациясининг (ОФК) Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган бош қароргоҳида 2010 йили Жанубий Африка Республикаси майдонларида футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг биринчи саралаш босқичига қуръа ташланди.**

Айтиш жоизки, Осиёнинг қирқ уч мамлакати бўлажак жаҳон чемпионатига чиқиш учун кураш олиб боради. Жаҳон футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА Осиё учун жаҳон чемпионатига тўрт яримта жой ажратган. ОФК қарорига кўра, биринчи саралаш босқичида Осиёнинг 38 мамлакати терма жамоалари қуръа тақдим этган рақиб билан тизимида иккитадан ўйин ўтказади.

Қуръа Ўзбекистон миллий терма жамоаси учун омадли келди. Ҳамюртларимиз биринчи босқичда Хитой Тайпейи футболчилари билан куч синашадиган бўлди. Айтиш жоизки, ўзбекистонлик чарм тўп усталари бунгача Хитой Тайпейи терма жамоасига қарши бир неча маротаба майдонга тушиб, барча учрашувларда йирик ҳисобда ғалаба қозонган.

Шундай қилиб, ҳамюртларимиз биринчи саралаш босқичининг дастлабки беллашувини 8 октябрь куни ўз уйида ўтказади. Жавоб учрашуви эса 28 октябрда Хитой Тайпейи майдонида бўлади.

Саралаш босқичи қоидасига биноан 19 жуфтлик орасидан ғолиб чиққан жамоалар иккинчи ва учинчи саралаш босқичига бўлинади. Яъни, икки учрашув натижасига кўра, биринчи рақибини енгган ўн тўққизта терма жамоа орасидан ФИФА рейтингида энг паст рейтингга эга бўлган саккизтаси иккинчи, юқори рейтингли қолган ўн биттаси эса учинчи босқичга йўлланма олади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ЯНГИ ҚИЁФАДА

***Ўртачирчиқ туманидаги 60 ўринли болалар шифохонасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод» жамғармасининг саъй-ҳаракатлари билан 500 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл гранти жалб этилиб, белгиланган ишлар муддатида адо этилди.***

– Бу Мустақиллик байрами шарафига ишга тушириладиган янги иншоотлардан яна бири, – дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Маъмуржон Шокиров. – Шифохона қошида 10 ўринга мўлжалланган янги жарроҳлик бўлими ҳам ташкил этилди.

**Мунира ИСАЕВА.**

## Шундан кейин

### ТЎҚСОН ЁШДА ЯНА ОТА

Ҳиндистоннинг Ражастхон штатида яшовчи тўқсон ёшли деҳқон Нану Рам Жоги фарзандли бўлди. Унинг тўртинчи хотини – ўттиз ёшли Сагури эрига қизалоқ ҳадя қилди. Тўққиз фарзанднинг отаси бўлган Нану Рамнинг сўзларига кўра, бу ёшда фарзандли бўлишига туя сутини мунтазам истеъмол қилгани сабаб бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, туя сути инсон соғлиғи учун жуда фойдали бўлиб, тана аъзолари фаолиятини яхшилайди.

### ҒАЙРИОДДИЙ ФОРУМ

Испаниянинг Уэрта-дель-Рей қишлоғида 2008 йилда дунёда илк марта ғайриоддий исмли кишилар форуми бўлиб ўтади, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Форум бу қишлоқда ўтказилишининг сабаби Уэрта-дель-Рейда бир хил исмли кишилар ҳаттоки қариндошлар орасида ҳам жуда кўп учрашидир. Масалан, қарийб минг кишилик мазкур қишлоқ аҳолисининг уч юз нафари Сицилий, Геронид, Бургундонфора ёки Филогоний исмини олган. Бу ҳолат кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Форум ташкилотчиси Хосе Анхель Себастианнинг сўзларига кўра, анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳаддан ортиқ отдошликка чек қўйишдан иборат.

### КУНДУЗГИ БОСҚИНЧИЛАР

Франциянинг Жуль Шере тасвирий санъат музейидан тўртта қимматбаҳо картина ўғирланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, иш вақтида музейга бостириб кирган жиноятчилар ходимларни қўрқитиб, Брейгель, Сислей ва Моне қаламларига мансуб асарларни олиб қочган.

Воқеа юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

### ОЛТИ ТОННАЛИК ТИШ

Греция палеонтологлари энг катта тишли мастонднинг (йирик филсимон ҳайвон) суягини топдилар. Маълумотларга кўра, мастонднинг тишларидан бири беш, иккинчиси тўрт метр бўлиб, оғирлиги тахминан олти тонна бўлган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, топилмадаги ДНКни текшириш орқали мастондларнинг нима сабабдан қирилиб кетганини аниқлаш мумкин.

Хабарларга қараганда, мастондлар мамонтларга ўхшаш бўлиб, Шимолий Америкада бундан ўн минг йил муқаддам, Европада эса тахминан икки миллион йил аввал яшаган.

**ЎзА.**

*Жўра САЪДУЛЛАЕВ*

# НАСИБА

*Воқеий қисса*

— Сен мелиоратор бўлишинг керак, — деди Матвей Максимович Султонали қишлоқ хўжалик техникумини тугатаётган кезлари. — Чўлларга сув чиқариш, катта-катта пахтазорлар, боғ-роғлар барпо этиш мумкин. Бироқ, мелиорация иши издан чиқса, яшнаб турган боғлар қурийди, кечаги унумдор ерлар ҳосил бермай қўяди. Бу Ўзбекистон учун фожиа, билсанг.

Султонали тутинган отаси айтган йўлдан борди, унинг ишончини оқлади, йирик мелиоратор олим бўлиб етишди. Лекин шахсий ҳаётида ҳаловат кўрмади. Эсида, бир куни Матвей Максимовичнинг уйига Саломатни эргаштириб борди. Саша хола эшик очди. Ёшларни тўғри Матвей Максимовичнинг хонасига бошлаб кирди.

Саломат нафис дарпардалардан кўз узолмас, қулай креслонинг юмшоқ қопламасини сийпалаб ўтирарди. Кейин емакхонага ўтишди. Бир-икки пиёла чой ичилгач, Матвей Максимович вақти тиғизлигини айтиб, узр сўради, иш кабинетига кириб, эшикни ёпиб олди. Саша хола уларни ташқаригача кузатиб чиқди.

Икки-уч кун ўтгач, Матвей Максимовичнинг ўзи Султоналини қидириб келиб қолди. Улар институт биноси ёнбошидаги хиёбонга чиқишди. Йигит устози шунчаки бекорга келмаганини, муҳим бир мулоҳаза уни нотинч қилиб қўйганини сезиб турарди.

— Муносабатларингиз жиддийми?

Султонали устоз Саломатни назарда тутаётганини тушунди. Томоғига бир нарса тиқилгандек нафас ололмай қолди. Чунки, бу саволни ўзига ўзи ҳам кўп марта берган, ўша тунги воқеадан кейин иккиланиб юрарди.

Саломат билан очиқ гаплашиб олишни ўйлар, лекин энди бундай қилишга ҳаққи йўқлигини чуқур ҳис қилиб, икки ўт орасида қовуриларди.

Аслини олганда Саломатда малоҳату ақл-идрок мужассам. Бир қараши билан барча гумонларингни тарқатиб, қоп-қоронғи ич дунёингни чақнатиб юборади. Ўқиш, ишдаги ғайрати курсдошларини лол қолдиради. Лекин гоҳида инжиқ бўлиб, сиркаси сув кўтармай қолади. Шундай кезлари қилдан қийиқ топиб, тортиша бошлайди. Гапларига эътироз билдирмай, рўпарасида бамайлихотир ўтирган Султоналидаги босиқлик жазавасини баттар қўзғатади. Ана шундай пайтларда у билан бир умр боғланиб қолганлигини ўйлаб, йигитнинг юраги орқасига тортиб кетади.

Султонали бошини кўтармас, устозининг кўзларига қарай олмасди. Нима ҳам десин? Бир лаҳзалик эҳтиросини тизгинлай олмаганлигини, энди уни рад этишга виждони йўл қўймаслигини айтсинми?

Унинг юраги бўм-бўш бўлиб қолганди. Ўзини жисмсиз, вужудсиз бир соя тусмол қиларди.

— Отасини яхши танийман, — яна Матвей Максимовичнинг ўзи оҳиста гапира бошлади. — Насимбек Комилович ишчан, ғайратли раҳбарлардан. Мастура Раҳимовнани унчалик билмайману, лекин ташаббускор маорифчилардан деб эшитганман. Янглишмасам, ҳозир Бекободда мактаб директори.

Матвей Максимович кутилмаганда тўхтади, Султоналига узоқ, синчков тикилиб турди. У иккиланар, рўпарасида бош эгиб турган йигитнинг кўнглини оғритиб қўйишдан чўчирди. Ниҳоят, оқ оралай бошлаган бароқ қошлари чимирилди.

— Негадир Саломат ота-онасига ўхшамайдиганроқ, нима десам экан, фикр-мулоҳазаси юзакироқ, аниқроғи, ҳавойироқ кўринаяпти. Саша холанг ҳам шу фикрда, ўғлим. Охири, бирор кор-ҳол юз бермасидан, сен билан очиқчасига гаплашиб олишни лозим топдик. Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади, ўғлим. Биринчи очилган гул жозибали, мафтункор кўринади. Лекин теварак-атроф яшнаб кетгач, у ҳам шунчаки бир гул экан-да, деб ўйлаб қоласан, киши.

Султонали ялт этиб устозига қаради. Ҳамиша хотиржам, кулиб-чақнаб тургувчи кўзларида гумонсираш, иккиланиш зоҳир эди. Буни кўриб, йигит чидай олмади, нигоҳини олиб қочди. Матвей Максимович қўлларини унинг елкасига қўйди.

— Эҳтимол, биз янглишаётгандирмиз, — деди. — Ҳар қалай, шундай бўлиб чиқсин. Истагимиз битта: сен бахтли бўлсанг бас. Билсанг, Саша холанг икковимизнинг умидимиз ёлғиз сендан.

Матвей Максимович йўлка бўйлаб илгарилаб кетди. Султонали шу аснода унинг чеҳраси оқариб кетганини, даҳан этлари титраётганини кўрмаслиги учун шундай қилди. Ҳийла нари боргач, ўзини қўлга олиб, аста ёнига назар ташлади. Султоналини кўрмай, тез орқасига ўгирилди. Йигит ҳамон жойида қаққайиб турарди. Қандайдир оғир бир куч елкаларидан эзиб, ерга михлаб қўйгандек эди уни. Унинг бу туриши кўп нарсани англатарди. «Наҳотки?! — ўйлади Матвей Максимович надомат билан. Устоз тўхтаб, уни кутаётганини кўриб, Султонали бир сесканди, кейин оғир қадам ташлаб, унга яқинлашди.

Устозининг авзойидаги ўзгаришни Султонали ҳам сезди. Ёнига бориб, рўпарасида тўхтади. Улар бир-бирларига бироз тикилиб туришди. Охири устознинг синовчан қарашларига тоб бера олмай, йигит яна ерга қараб олди. Бу унсиз туриш ўз гумонларининг тасдиғи эканлигини сезиб, Матвей Максимович йигитнинг икки елкасига қўлларини қўйди, бағрига тортиб, кўзларига тикилганича шундай деди:

— Ўғлим, энди фақат мард бўл, бардошли бўл. Бошқа гап йўқ: сенга маъқули — бизга ҳам маъқул.

Улар хиёбондан чиқиб, катта йўлни кесиб ўтишди. Матвей Максимович машинага ўтириб, жўнаб кетди. Султонали узоқлашиб бораётган қора «Волга»дан кўз узолмай, йўл бўйида узоқ туриб қолди. Бу инсонларнинг ўзи учун қанчалар азиз бўлиб қолганлигини у яна бир бор чуқур ҳис қилди.

* * *

Султонали ним қоронғи йўлакдан ўтиб, хонасига кирди. Ўринга чўзилди. Шипга тикилганича узоқ бедор ётди. Хаёллари яна йиллар ортида қолиб кетган воқеаларга учди. Тунги сокинликда чағалайларнинг овози қулоқларига чалингандек туюлди, ички бир ўкинч юракларини эзиб-эзғилаб ўтди. У ёнбошига ўгирилиб, кўрпани бошига тортиб олди.

Шу кўйи қилт этмай узоқ ётди. Хаёллари чалкашиб кетди, лекин бора-бора фикрлари тиниқлашди. Ўша тўфонли тонгни, тўлқинлар тор йўлакнинг пўлат устунларига урилиб, ваҳимали гувиллашини, қирғоққа етиб, нам зиналардан юқорига чиқиб боришаётганида тийғаниб кетмаслиги учун жувоннинг тирсагидан тутганлигини эслади. Шунда у бир қараб қўйди, лекин тирсагини тортиб олмади, аксинча, унга хиёл суянганича, аста-аста юқорилаб бораверди. Баланд бино ҳовлисига чиқишгач, тўхташди, енгил нафас олиб, атрофни кузата бошлашди.

Шунда Султонали зимдан унга разм солди. Энли, бароқ қошлар, узун-узун майин киприклар, шаҳло кўзлар. Ёқимли бир чеҳра.

— Пальтонгиз жиққа ҳўл бўлиб кетибди, ичкарига кираколинг.

Хушҳол, қўнғироқ бу овоз Султоналини ўзига келтирди. Кулгичлари ўйнаб турган шу чеҳра бир умр унинг кўз ўнгида сақланиб қолди. Кейинчалик оила қуришга даъват этиб, ҳамкасблари кўп уринишди. Гоҳи жиддий, дўстона тусдаги бундай таклифларни, гоҳи ним ҳазил-мутойибали гап-сўзларни эшитиб қолган кезлари шу чеҳра, учқур шу нигоҳ кўз олдига келарди-да, бир нуқтага тикилганича узоқ туриб қоларди. Ён-атрофидагилар унинг бу ҳолатини задаликка, аёл кишининг хархашаларидан ҳориққанликка йўйишар, унга ачиниш билан қарашларини яширишмасди.

Бора-бора пешонасига ёзилгани шу экан дея, унинг сўққабошлигига эътибор бермай қўйишди. Одамлар унга барча ғам-ташвишларини тўкиб солишар, фарзандлар, қариндош-уруғлар орасидаги турли борди-келди гапларни айтиб, кўнгилларини ёзишар, маслаҳат, ёрдам сўрашар, лекин унинг кўксини нима эзиб турганини, хаёлидан нималар ўтаётганини асло билишмасди. Султонали қаёқларгадир қўнғироқ қилар, кимлар биландир учрашар, охир-оқибат жумбоқлар ечилиб, кейин ҳасратчилар ойлаб, йиллаб кўринмай кетишарди. Ўзи эса ҳасратли ҳар бир воқеа саҳифалари очилмай келаётган кўнгил дафтари устига қатма-қат тахланиб, ортиқча юк бўлиб бораётганлигини яхши сезар, лекин бировга кўнглини очмас, хаёл денгизида бедор ўтказилган тунлардан кейин ҳам бошқармага чаққон-хушҳол кириб борар, илмий кенгашларда, катта-катта мажлисларда ҳеч ким кутмаган фикрлар билан чиқиб, ҳамкасбларини лол қолдирарди.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).


**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**
**Ўзбекистон Республикаси МХХ давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси х.к. 9117 қуйидаги объектларга**

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. "Тошкент вилояти, Бекобод туманида "Деҳқонобод" чегара пости қурилиши". Таъмирлаш муддати 2008 йил 31 мартгача.

Қурилиш ишлари: бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

2. "Тошкент вилояти, Бекобод туманида "Баҳористон" чегара пости қурилиши".

Таъмирлаш муддати 2008 йил 31 мартгача.

Қурилиш ишлари: бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси – Тошкент вилояти "Ташконсалтингстройторг" давлат унитар корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 5-уй.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент вилоятининг "Ташконсалтингстройторг" давлат унитар корхонасига мурожаат қилишлари мумкин:

Манзил: Тошкент шаҳри, Саид барака кўчаси, 76-уй. Тел/факс: 55-46-17, 54-04-66.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 70 000 (етмиш минг) сўм.

Таклифлар (афёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати афёрталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (афёрталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Муродова кўчаси, 3-А уйда қабул қилинади.



**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**
**Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уйда жойлашган,**
**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

***2007 йилнинг 11, 17, 25 сентябрь ва 2, 9 октябрь кунлари соат 11.00 да сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади:***

Савдода Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг 2007 йил 3 апрелдаги 1-94/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани, "Арғин-савдо" УК омборхонасида сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 I 6236 бўлган, «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 13 000 000 сўм.**

Автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Шунингдек, қуйидаги автотранспорт воситаси аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади:

Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарининг 2007 йил 18 июлдаги 58-сонларида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига чиқарилган, "Камаз-53212" русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 12 Е 8364 бўлган автотранспорт воситаси.

**Савдодан олишга асос:** Тошкент тумани суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 7 августдаги с-6-сонли хати.

**Интернетдаги сайтимиз:** www.rkmb.uz



**Товоқсой "Истиқбол" акциядорлик жамияти аъзолари диққатига!**

*Жамиятнинг Паргос қўрғонида 2007 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.*

*Кун тартибида корхонанинг келгуси фаолияти тўғрисидаги масала кўрилади.*



Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан "ABDULLA OTA SULOLASI" МЧЖга берилган 1487165014-сонли ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод туманидаги "GARNET" хусусий фирмаси (ОКПО 19139812)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 199-70-12 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 10-Б уй, 25-хонадон манзилида жойлашган "GULI-KAND-PLUS" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 206438780) ўзининг устав жамғармасини 19.007.900 (ўн тўққиз миллион етти минг тўққиз юз) сўмдан 8.320.000 (саккиз миллион уч юз йигирма минг) сўмга камайтираётганлигини маълум қилади.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 277-11-32 рақамли телефон орқали ҳамда Чўпонота кўчаси, 10-Б уй, 25-хонадонда қабул қилинади.

Тошкент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Мухитова Зулхумор Иброхим қизи номига берилган U № 2852890 ўрта таълим маълумоти ҳақидаги етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги "PLYUS SAYKAL" хусусий корхонаси (ОКОНХ 71300)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, Қашқар кўчаси, 18-А уйда қабул қилинади.
Тел.: 134-65-10.

Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан 2005 йил 16 июлда Туляганов Абдурахмон Абдусалямович номига берилган ББ № 015064 (рўйхат рақами 2118/1794-ББ) рақамли буюм бозорларида чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный гос. ордер № 11-02/1835 от 11.02.1993 г. права собственности на квартиру Петровой Елены Григорьевны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.


● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.


Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-740. А-3972. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАХМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10. 1 2 3 4 6